



6 (74)-son  
2019-yil, iyun

# ИЖОДИЙ РАРВОЗ

О'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

## ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кейинги йилда жисмонан соғлом, рухан тетик ва билимли, мустақил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишларинга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, санъат ва маданият соҳаларида иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йил”га бағишлаб жорий йилнинг 11-28 июнь кунлари институт талабаларининг анъанавий “Талаба-ёшлар ижодиёти” кўрик-фестивали ва “Очиқ эшиklar куни” ўтказилди. Талабаларнинг ушбу анъанавий фестивали ўзининг кенг кўламлилиги, ранг-баранглиги, замонавий ва мумтоз асарларни ўзида мужассам этгани билан бошқалардан фарқланади.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида институт профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Ўзида байрамона рух, жўшқин ёшлик шукуҳини акс эттирган фестиваль ўз ишини белгиланган дастур бўйича амалга оширди. Фестивалда, хусусан, кўплаб намойишлар бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, тадбирнинг айни мана шу қисми кўпчиликлари, жумладан, талабалар томонидан орзиқиб кутилди. Зеро, ёпилиш маросимида намойиш этилган ижод намуналарининг сарҳисоби ўлароқ, энг яхши ижодкорлар институт маъмурияти томонидан белгиланган эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланишди. Ёшларимизни ижодга бўлган интилишларини ўстириш, уларнинг ижодини рағбатлантириш мақсадида маъмурият томонидан 25 та йўналишлар бўйича номинациялар эълон қилинди.

### Йилнинг энг фаол талабаси:

Насимов Фотиҳ Ҳилол ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши санъат ва маданият тарғиботчиси:

Хотамов Соҳибжон Содиқ ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Саҳна ва экран драматургияси” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши китобхон талабаси:

Убайдуллаев Бобур Шамсиддин ўғли – Халқ ижодиёти факультети “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши ахборот технологиялари билимдони:

Райимжонов Бахтиёр Баҳодир ўғли – Театр санъати факультети “Эстрада актёрлиги санъати” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши мақола муаллифи:

Самиков Улуғбек Рафикжонович – Кино, телевидение ва радио санъати факультети «Театршунослик» таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши бадний сўз ижрочиси:

Ҳомидов Исфандиёр Камолдидин ўғли – Театр санъати факультети “Муסיқали драма театри актёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши вокал йўналишидаги аёл хонандаси:



Ғафурова Хуршида Курбоналиевна – Халқ ижодиёти факультети “Вокал жамоаларига раҳбарлик” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши вокал йўналишидаги эркак хонандаси:

Одилжонов Жавоҳир Олим ўғли – Театр санъати факультети “Муסיқали драма театри актёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши мумтоз йўналишидаги эркак хонандаси:

Элов Абдулазиз Хурсандмуродович – Халқ ижодиёти факультети “Ашула ва рақс” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши хор дирижёри:

Курбанова Севара Бахтиёровна – Халқ ижодиёти факультети “Вокал

жамоаларига раҳбарлик” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши оркестр дирижёри:

Рустамова Дилшода Саломовна – Халқ ижодиёти факультети “Чолғу жамоаларига раҳбарлик” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши академик йўналишидаги созанда:

Рўзимуродов Илёсжон Азамат ўғли – Халқ ижодиёти факультети “Чолғу жамоаларига раҳбарлик” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши анъанавий йўналишидаги созанда:

Нурманов Аслиддин Хусан ўғли – Халқ ижодиёти факультети “Ашула ва рақс” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

Бахромова Севара Турсунхўжа кизи – Театр санъати факультети “Муסיқали драма театри актёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши эркак эпизодик роль ижрочиси:

Иброҳимов Илёсжон Юнусжон ўғли – Театр санъати факультети “Муסיқали драма театри актёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши фильми режиссёри:

Рустамов Жасур Зоҳид ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши фильми оператори:

Шермухаммедов Рискибек Баҳодир ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Операторлик” йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши фильми овоз режиссёри:

Ашуралиев Нуриддинжон Раҳмонли ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Овоз режиссёрлиги ва кинооператорлик” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши фильм сценарийси муаллифи:

Ахмедова Ситора Ёқубжон кизи – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Телевидение ва радио режиссёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши драматурги:

Бобомуродов Шавкат Дўстмухаммад ўғли – Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Саҳна ва экран санъати дараматургияси” таълим йўналиши 4-босқич талабаси

### Йилнинг энг яхши диплом спектакли:

Театр санъати факультети “Драматик театр ва кино актёрлиги” таълим йўналиши 4-босқич талабаларининг “Оппоғой ва етти гном” спектакли

Шу билан бирга, фестиваль доирасида “Очиқ эшиklar куни” ўтказилди. Бу тадбир орқали санъат ва маданият ихлосмандлари, институт фаолияти билан қизиқувчилар, бўлажак абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари Олий ўқув юрти фаолияти ва ундаги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишишди. Зеро, бу тадбир доирасида институтнинг ҳар бир мутахассислик кафедралари ўзларининг фаолиятлари билан боғлиқ бўлган кўргазмалар воситалар билан қатнашди.

Таҳририят

Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

— Қайси тумандансиз? — сўради Муҳаммад Юсуф бўй-бастимга чамалаб қараб.

— Бағдоддан.

— Ҳа, райкомларингни танийман, полвон одам-а? Сизам курашиб турасизми?

Армияда энгил вазнда эркин кураш тушиб, иккинчи ўринни олганимни машҳур шоирга айтиб ўтирмадим. Очиғи, батальонда менинг вазнимга тўғри келадиган биттагина козок йигит топилгани учун мен ҳам совринли бўлгандим.

Устоз ўйланиб қолганимни кўриб елкамга қўл ташлади.

— Эҳ-хе, ҳали қанча курашлар олдинда! Белни маҳкам боғлайверинг! — Кейин паркет полни ғижирлатиб бориб «Назм бўлими» деб ёзилган хона эшигини итарди. — Кириг.

Мендақа даъвоси зўр хаваскорлар безор қилиб ташлаган бўлса керак, у ҳафсаласизлик билан шеърларимни варақлади. Муҳаммад аканинг кўзлари ёшовсираб туриши кўп ўқигани, эхтимол, қоғозга ҳайфи келганидан бўлса керак, деб ўйлагандим ўшанда ўсмирларга хос кузатувчанлик билан.

Алқисса, шоирга қишлоғим тасвирланган бир шеър маъқул тушгандай бўлди.

— Мана шунақа рост, лекин чиройли ёзиш керак, шеър жонивор «дом»даги мушукка ўхшаб сулла бўлмасин, кийикдай хуркак, одамови бўлсин. Китобий шеърларни кабинетдан чиқмай кейинчалик ёзаверасиз. Ҳозир ҳаётни кузатиш, ўрганиш, уқиш керак. Бунинг учун ўша райкомингизга ўхшаган халқ орасида юрган донишмандларнинг суҳбатини кўпроқ олиш керак... — ҳамма ном чиқарган шоирлар каби Муҳаммад Юсуф валийнёматларча эринмай маслаҳат берди. Барча хаваскор қаламкашлар сингари устознинг ўгитларини бетоқат тингладим. Кўп гаплари эсимда қолмади.

— Майли, яхши боринг, — деди у хайрлашишга қўл чўзиб. — Мендан дўстларга салом. Худо хоҳласа, Бағдодга борамиз. Райком бува ҳакам бўлади, икковимиз курашамиз.

Ўттиз йил аввал Тошкенти азимда, Ғафур Ғулом нашриётида айтилган бу гап эса ҳалиям қулоғимда жаранглаб турибди.

\* \* \*

У пайтлари ҳар бир вилоятнинг забардаст ижодкори бўларди. Раҳбарлар ҳам у билан ҳисоблашиб, тош-тарозуни ўшанга қараб кўярди. Фарғонада адабиётчиларнинг тоғдай суянчиғи Йўлдош Сулаймонни билмайдиган, ҳурмат қилмайдиган одам йўқ эди. Юзи ёруғ бу инсон доим қаҳқаҳага шай, хайратга мойил, яхшилик қилишга ҳамisha сарфарбар кўринар, биз ёшлар у кишини халоскоримиз, балоғардонимиз деб билардик. Фарғонадаги Ёзувчилар уюшмаси биниси ҳар қачон ижодий кайфият билан лиммо-лим, таъриф зарур бўлса, илҳом манбаи сифатида оҳанраболи маскан кўринарди.

Йўлдош ака ёзув-чизувимизга астойдил қизиқиб, эринмай янги машқларимизни ўқитиб, сабр билан тинглар, сал дурустроқ мисра чиқиб қолса, саховат билан кўкларга обчиқиб мақтарди. Шундай нашъали-нашидали кунларда у киши мен-

га қараб: «Ўқиш битай деб қолди-а? Ҳеч иккиланмай Тошкентни мўлжаллайверинг, уй-жойдан хавотир олманг, Абдуқаҳҳор ёрдам беради. Уни танийсиз-а?» деб қолди фақат ўзигагина хос бўлган салобатли ҳовликиш билан.

Абдуқаҳҳор ака билан битта кишлоқдан бўлсак ҳам, ҳеч кўришмаган эдик. У киши Тошкентда ўқиб юрган пайтлари биз ёш бола бўлганмиз, туман бошқарувини қўлга олганда ўқишда, ҳарбийда юргандик. Аям у колхозда ишлаб юрган пайтлари ҳам доим мактаб гапирар, «Узункўчада Саодатбу оналар билан ён кўшни бўлганмиз, Абдуқаҳҳорни ўзим кўтариб катта қилганман, болалигидаям жуда зийрак, ақлли, пишиқ бола эди, мактабдаям яхши ўқиган. Ота-бувалари меҳнат билан ҳалол нон топиб бокқан-да», деб акамларга ўрناق қилиб кўрсатарди.

Мен-ку, депутат-раҳбарни яхши биламан, суратларини кўрганман, у киши ҳақида турли ажабговор ҳикояларни эшитганман. Аммо от устида турган шундай катта одам мен билан гаплашармиди? Хуллас, шунга ўхшаш гумонлар тумани ичида иккиланиб, бир гап бўлар, ўзим уриниб



кўрай-чи, таваккал, деб пойтахтга йўл солдим. Устозлар кўмаги билан ишга жойлашиб, ижарада яшаб, кун кўра бошладим. Йўқ, кунимни кўра бошладим десам тўғрироқ бўлади. Эсингизда бордир 90-йилларнинг бошларидаги қимматчилигу қаҳатчилик.

1993 йили пулнинг қадри шу қадар тез тушдики, бир ой олдин от олиш мумкин бўлган бир халта сўм-купонга бир ойдан кейин битта янги халта бермай кўйди. Табиийки, биз каби «дирдовқўзи»ларнинг шўри қуриди. Устига устак, адабиётнинг, маънавиятнинг «тагига сув кетди». Шўро мафкуриси ўрнини тўлдирадиган ғоя шакланмагани учун ёшлар ҳар мақомга муқом қилар, бузуклик, бузғунчиликка бирров хайрон қолмасди.

Ажойиб кунларнинг бирида белни маҳкам боғлаб, Абдуқаҳҳор акани излаб Бағдод ҳокимлигига бордим. Тўққизинчи май муносабати билан туман марказида Хотира хиёбони ташкил этилиб, ҳамма шу мажмуанинг очилишига шошиб турган экан. «Оббо, — дедим ўзимга ўзим, — келиб-келиб шундай тиғиз пайти рўпара бўламанми? Ҳозир мен билан пачакилашиш кўнглига сиғмасаям керак».

Шу пайт ўринбосарлари ўровида йўл-йўлакай улардан бирини беаёв сўқиб, асабийлашиб қип-қизарган ака чиқиб қолди. Зинанинг ҳар пиллапоясида бир тўхтаб, ҳалиги «балога қолган Боқижон»ни «тузлаб-тузлаб» тушяпти. Киши билмас секингина жуфтакни ростлаётувдим, бирдан менга кўзи тушиб, кутилмаганда жилмайди:

— И-е, ўзимизди Иқболжону, нима қип турибсиз бетта? Биз сизи Ташкенлик бўп кетган деб юровдик, бу тарапларгаям келасакан-да, а? Вахтида кепсиз, бугун чолларди бир хурсанд қилайк, битта зўридан ўқиб берас. Йўлдаш ака сизи махтовриб эси кетади. Кўрайк-чи...

Ўша тадбирдаги тўй кайфияти, қуюқ зиёфат билан бирга Абдуқаҳҳор аканинг сўз олиб оддий Бағдодчасига айтган гаплари эсимда қолган:

— Урушдан тирик қайтган герой отахонлар, билиб кўйинглар, бугун сизларди жонларинг ҳар дойимгидан кўра бизга керак. Ҳозирам кўзга кўринмайдиган катта уруш кетяпти. Ёшларди юрагини эгаллаш, миясини босиб олиш учун мафкура уруши кетяпти. Сиздай тажрибали ватанпар-

тил илондай сирғалиб чиқиб, бировларни чақиб олиши мумкин», деб уни «ўчириб» ташлагани эсимда.

Абдуқаҳҳор ака бағрикенг, мард инсон эди. Вақти келса, ашаддий душманлари билан ҳам улфатчилик қилиб, сийлаб кетаверарди: «Душман қайдан пайдо бўлади? Бизди бепарволигимиз, бепаросатлигимиздан. Азгина вақт ажратиб, бир овзим яхши гап айтиб қўйсақ бўлди, душман йўқ. Ҳа, уям ўзимизга ўхшаган одам-да, худони бандаси...».

\* \* \*

1994 йили Муҳаммад Юсуф бошчилигида Набижон Бокий, Мусулмон Намоз, Салим Ашур, Муҳаммад Шариф, Анвар Бекобод каби устозлар билан Бағдодга бордик. Ҳоким бува Муҳаммад акани (Муҳаммад Юсуфни, албатта) шоҳона кутиб олиб, хондай бошга кўтарди. Ўша куни «Бағдодчи» футбол жамоамиз маргилонликларни қабул қиладиган экан: стадионга бориб, мухлислар билан матч олдида учрашув ҳам ўтказдик. Ўйин қоидасига тўғри келмаса ҳам, ҳоким буванинг амри билан Муҳаммад ака тўпни биринчи бўлиб тепиб мусобақани бошлаб берадиган бўлди. Устоз жон-жаҳди билан тепганди, тўпга кўшилиб туфлиси ҳам чирпираб узокларга учиб кетди. Ҳакалаб бориб ишқибозлар қийқириғи остида туфлини оёқка илиб, ёнимизга келиб ўтирди.

Ҳоким билан Муҳаммад Юсуфнинг суҳбатлари жуда соз тушиб қолди. Ярим кечагача иккови бири олиб, бири кўйиб гурунглашиб ўтиришди. Эрталаб ҳоким бува Шоҳимардонга бориб келиш учун тўртта машина, бозор-ўчар, иккита кўчкор қилиб берди.

«Қадринг билган улфатингдан айрилма», сатрини шиор қилиб, қайтишда яна Бағдодга тушиб, биқинимиз чиқиб меҳмон бўлдик. Ҳоким бува ҳамма ижодкорларни, айниқса, бағдодликларни қўллаб-қувватлар, суяб-ардоқларди. Менинг Тошкентда уйли-жойли бўлишимдан тортиб, оёққа туриб олишимгача у кишининг хиссалари катта бўлган.

Муҳаммад Юсуф оламдан ўтганда Абдуқаҳҳор ака кўп куйинди. Марҳаматга бориб маросимларида қатнашган, «Ҳақиқий эрақак шоириди, мард йигитиди, кўз тегди-ёв», деб ачинганди.

Ҳаёт экан-да, яхшига еру кўк харидор, деганларидай, Абдуқаҳҳор аканинг ўз умри ҳам қисқа бўлди. Лекин ана шу вақт ичида қанчадан-қанча шогирдларни оёққа турғизди, халққа қанча яхшилик улашди.

Мен Муҳаммад акадан ҳаётий шеърят дарсини олган бўлсам, Абдуқаҳҳор акадан амалий тажрибаларга асосланган устозлик сабоғини кўрдим...

Қадри юртдошим, азиз тупроқдошим, агар сизга бирор шеърим маъқул тушиб, юрагингиз «жиз» этган бўлса, шу устозларимнинг ҳаққига дуо қилиб кўярсиз...

«Элпарвар» китобидан олинди.

**QAYTAR DUNYO**

Hikoya

Darslarim tugab, uyga qaytayotganimda yomg'ir izillab yog'ar, sovuq shamol yuzni chimchilardi. Bu yoqimli havo tanimga xush yoqdi – negadir piyoda sayr qilgim keldi. Yo'lakcha bo'ylab asta yura boshladim, kafiyatim har doimgidan ham a'lo. Ko'p o'tmay yo'lg'ir qorga aylandi. Juda xursand bo'lib ketdim. Bu – birinchi qor edi, bir zumda zamin bag'ri oppoq qorga burkandi. Har qadam tashlaganimda g'arch-g'urch etgan tovush eshitilar, anchadan beri bunday yoqimli tovushni eshitmagani uchun, bu tovush go'yo yoqimli musiqa kabi yangrardi.

Yo'l yoqalab ketayotib ko'zim shu sovuqda zax yerga o'tirib olgan, egnida yupqa yamoq ko'ylak, boshida eskirib ketgan pux ro'mol o'ragan, ko'ylakning ustidan bir tarafi kuygan, seryamoq, eski chopon kiyib olgan bir kampirga ko'zim tushdi. U o'tgan-ketganlardan qo'lini qovushtirib, sadaqa so'rab turardi. Rostini aytсам, unga achinib ketdim, rahmim keldi. Hatto bu holatni ko'rib ko'zlarimdan bir-ikki tomchi yosh chiqdi. Birdan qo'limni cho'ntagimga solib pul qidira boshladim. Xayriyat, yonimda pul bor ekan, uni olib darrov kampirga uzatdim. U pulni olib meni uzoq duo qildi. Undan besh oltiqadamcha nari ketgach, ortimga qaradim va nega bu kampir bunday mudhish ahvolga tushib qolgan, degan o'y menga tinchlik bermadi. Men beixtiyor kampirning yoniga qaytib, qaytadan salom berdim, u salomimga alik olib, yuzimga tikildi. Ko'zleri shu qadar mungli ediki, butun avzoyi badanini jimirlab ketdi. O'zimni tutib olib undan so'radim: “Bu yerda nima qilyapsiz?”. Kampir javob qildi. “Ko'rmayapsanmi, bolam, sadaqa so'rayapman” rostinini aytсам, qilgan ishimdan xijolat tortdim lekin, andishasizlik bo'lsa-da, yana o'g'iz juftladim.

– Ko'rishga ko'rdimku-ya, nima farzandlaringiz yo'qmi?

– Bor. O'g'lim bor.

Uning bu gapidan va yuzidagi mamnunlik ifodasidan biroz hayron qoldim va nima u hayot emasmi”, dedim.

– Yo'q, hayot, – deb javob qildi kampir. Hayratim yanada ortdi, tavba, farzandi bo'lsa-yu onasini shu ahvolga solib qo'ygan bo'lsa, bu qanday gap axir? Shunchalar shafqatsizlik, shunchalar razolat bo'ladi duniyoda? Keyin yana savol bera boshladim: “U sog'-salomatmi yoki uzoqda yashaydimi?”

– Xudoga shukr to'rt muchchasi sog' – javob qildi kampir. Unga qarab jimib qoldim. Buni ko'rgan kampir “Unda nega farzanding seni boqmaydi demogchimisan, men bir gunohkor bandaman” – dedi. Men hayajonimni yashira olmay, “Qanday gunoh”, dedim.

– Shunchalik bilging kelsa, ayta qolay – dedi va o'z o'tmishi haqidagi hikoyasini boshladi.

Bu voqea haqida hali hech kimga aytmagan edim, shuncha yillardan buyon yuragimning tubida juda og'ir yukni saqlab yuribman. O'sha vaqtlar yosh edim, turmush o'rtog'im maktabda o'qituvchi bo'lib ishlardi, birovdan yomon, birovdan yaxshi kun kechirardik. Ammo menga bu yoqmasdi, men boy-badavlat bo'lib yashashni xohlardim. Shu bois, erim bilan har kuni janjallashadigan bo'ldik. O'sha vaqtlarda o'g'lim Ma'rufjon to'qqiz yashar bola edi. U bizning janjallarimizdan bezib ketganidan bobosi va buvisining hovli to'ridagi hujrada yashaydigan odat chiqardi. Chol-u kampir nabirasini juda yaxshi ko'rishardi. Men pul topmaysan, dangasasan deb, erimning tinka-madorini quritardim. Bechoraning uyga kelgani yuragi bezillab qolgandi.

Mening qiliqlarim shu darajaga borib yetdiki, u ishdan ariza yozib bo'shab keldi, gilamfurush qo'shnimiz bilan ishlay boshladi.

Hali hech qanday foyda ko'rib ulgurmasimizdan odamlardan katta qarz evaziga olib kelinayotgan bir “Kamaz” yuk bo'xona xodimlari tomonidan tegishli hujjatlari bo'lmaganligi uchun musodara qilindi. Natijada biz katta qarz botqog'iga botib qoldik, bechora erim sudlanib ham chiqdi. Bu voqeadan so'ng uni maktabga ham qayta ishga olishmadi. U ichkilikka berildi, ko'p ichadigan bo'lib qoldi. Kun ora mast bo'lib keladigan bo'ldi.

Shunday kunlardan biri ayni qish chog'ida, esimda, ayni qahraton palla, 15-yanvar kuni yarim kechasi edi. O'sha mudhish tunda turmush o'rtog'im oyoqda turmas darajada keldi.

– Eshikni och, – deb baqirdi u. Kun bo'yi yoqqan qor tizza bo'yi bo'lay deb qolgan ekan. Men o'g'lim bilan issiqqina uyda uxlab yotgan edik, o'g'lim shovqindan uyg'ondi: dadam keldilar, deb eshikni ochishga chog'landi.

Men esa uni to'xtatib, o'zim hovliga chiqdim, eshik tomon borib unga – gadoyga beradigan sadaqamiz yo'q, dedim. U esa eshikni och, sovuqotib ketdim, deya avvaliga so'kindi, keyin yolvordi. O'z navbatida men ham bisotimda bor haqoratlamni unga yog'dirdim. Bu orada qaynona-qaynotam ham oraga qo'shilishdi, “ko'cha sovuq, eshikni och, kelin”, deyishdi. Ular bilan ham rosa janjallashdim, “pionistaga rahming kelayotgan bo'lsa, bor senlar ham birga o'tirlaring”, deb munkillab qolgan chol va kampirni ko'cha chiqarib qo'ydim. O'zim esa eshikni ichkaridan yana mahkamlab oldim.

Shu paytgacha bir chekkada qo'rqi turgan o'g'lim birdaniga yig'lab yubordi va oyog'imni quchoqlab olib yalina boshladi, “Oching, oyi, iltimos, oching”, deya zorlanardi. Ammo qotib ketgan qalbimni murg'ak bolaning ko'z yoshi-yu chol-kampirning yolvorishi yumshata olmasdi. O'g'lim yig'lay-yig'lay uxlab qoldi, men ham issiq uyda uxlab qolibman.

Ertalab esa ko'chadagi shovqindan uyg'onib ketdim, ko'chaga chiqsam, ne ko'z bilan ko'rayki, sovuqda muzlab o'lib qolishgan ekan. Kampir yerga o'tirgan holda tizzasiga o'g'lini boshini qo'ygan, chol esa o'g'ining oyoqlarini quchoqlaganicha qotib qolishgan edi. Bo'lgan voqeadan hamma xabar topdi. Menga tegishli jazo berishdi. Jazo muddatini ham o'tab keldim. Ma'rufjonni ammalari boqib olishibdi, oq yuvib, oq tarab o'stirishgan, u hozir otasi kabi o'qituvchi bo'lib ishlaydi.

Kampirning bu hikoyasini eshtib, qo'rquvga tushdim va u mening ko'zimga shunchalar dahshatli bo'lib ko'rindiki, qalbimdagi unga bo'lgan shafqat hissi kuchli nafratga aylandi. Ortimga burildim-u, bir so'z aytmay, kuchim boricha yugurdim, undan ancha uzoqlashgandan so'ng, nafasimni rostlab olgach, o'z-o'zimga qanday dahshat, qanday vaxshilik, derdim.

Shu voqeadan so'ng men u yo'ldan anchagacha o'tmadim. Bir kun negadir, shu ko'chagaa yana yo'lim tushdi. O'sha yo'lakchadan o'tayotib u yerda kampirni ko'rdim. O'sha yerda har xil narsalar sotib turganlardan kampirni so'rab-surishtirdim. Ulardan biri o'rta yoshlardagi ayol kishi biroz ma'yus tortdi va kecha u kampir tuni bilan shu yerda qolib ketgan ekan, muzlab qolib vafot etibdi, dedi. Shunda bextiyor bugun qaysi sanaligi yodimga tushdi – 15-yanvar.

**O'giloy RO'ZIYEVA,  
“Ijtimoiy-madaniy faoliyat”  
yo'nalishi 1- bosqich talabasi**

**Обладатели дипломов  
международного конкурса**

Студенты нашего ВУЗа приняли участие на III-м открытом международном конкурсе художественного творчества молодежи «Мы Едины», проходившего под девизом: «Нам бы про душу не забыть, нам бы чуть добрее быть...» в рамках международного научно-практического форума «Культура Евразийского региона». Конкурс проходил в России в городе Барнаул.

23 мая при поддержке администрации города Барнаула был проведен III открытый международный конкурс художественного творчества молодежи «Мы Едины», посвященного 90-летию со дня рождения В.М. Шукшина. С приветственным словом к участникам и гостям конкурса обратился доцент Бременского университета Гюнтер Тилкинг, отметив важность проведения подобных мероприятий в целях воспитания у молодежи уважения к русскому языку и культуре.

Мероприятие проводилось в целях утверждения ценностей гуманизма, укрепления единства, патриотизма, межнациональной сплоченности среди молодежи и повышения ее социальной и гражданской активности.

Организаторы конкурса поставили следующие задачи: формирование интереса к культурному наследию как фактору взаимопонимания и сближения национальных культур; популяризация русского языка среди иностранных обучающихся; создание условий для культурного обмена, языкового взаимодействия и укрепления творческих связей между обучающимися из различных стран.

Конечно же, как и в прошлые годы, студенты нашего института, в частности факультета «Народное творчество» направления «Организация и управление учреждениями культуры и искусств» вновь стали одними из лучших участников этого конкурса. Конкурсанты - студенты 3-го курса Рустамов Мухаммад, Шокирова Шофия и студентка 2-го курса Галиева Альбина - подготовили необходимый материал для подачи заявок на участие, в чем им помогал, поддерживал их преподаватель и наставник – Юлдашева Манзура Бориходжаевна.

Студенты совместно с руководителем Юлдашевой М.Б. отсняли видео-материал, заполнили анкеты/заявки и отправили всё необходимое для участия. Что касается самих выбранных конкурсантами стихотворений, то Мухаммад взял стих А.С. Пушкина, Шофия прочла стих Хамиджана Икрамова, а Альбина подготовила произведение Раима Фархадии «Пожелание», которое было прочитано с особым выражением и любовью к Узбекистану. По итогам конкурса стали известны результаты, которые очень порадовали: Рустамову Мухаммаду был присвоен диплом II-степени, Галиева Альбина и Шакирова Шофия были удостоены диплома I-степени в номинации «Художественное слово». Студенты были рады принять участие в конкурсе подобного масштаба и получить столь важную оценку своих трудов и таланта.

**АЛЬБИНА ГАЛИЕВА,  
студентка 2-го курса направления «Организация и управление учреждениями культуры и искусств»**

**Бизни кутар нурли манзиллар**

Жорий йилнинг 24 май санасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Миллий университети биносида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ва айрим вилоятдаги олий ўқув юрти ректор ва проректорлари, профессор-ўқитувчилар ва фаол талаба ёшлар билан учрашув ўтказилди. Мен ҳам бахтли талабалар сафидида ушбу учрашувда иштирок этдим.

Учрашув мавзуси Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, мамлакатни дунёга чиқишида ёш авлоднинг ўрни ва роли ҳақида бўлди. Қайсики давлат юксак тараккий этган бўлса, ўша мамлакатда илм-фанга юксак эътибор қаратиладиган бўлади. Агар акси бўлса, у давлат ҳам, унинг олимлари-ю, зиёлилари ҳам моддий, ҳам маънавий таназзулга юз тутаети. Шунинг учун кўплаб ривожланган мамлакатларда илм-фан мамлакатнинг асосий ҳал қилувчи, энг кўп аҳамият қаратилувчи соҳасига айланган. Мазкур учрашувда жуда кўплаб масалалар кўтарилди, Юртбошимиз мамлакатнинг илмий потенциалини кўтариш, иктидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада ечимини кутиб турган кўплаб муаммоларнинг ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур йўналишда геология, археология, география, биология, математика, физика, инновацион технологиялар ва гуманитар фанларга доир бўлган барча соҳалар камраб олинди. Учрашувда малакали кадрлар танқислиги ва уларни шакллантириш масаласи Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланди.

Президентимиз томонидан 2019 йил 19 мартда қабул қилинган мамлакат ҳаётидаги 5 муҳим ташаббус бўйича ижодий ва спорт мусобақалари ташкил этилиши, олий ўқув юртида таълим олаётган магистрантлар кейинчалик илмий-тадқиқот институтларида стажёрлик вазиқасида ўз фаолиятини давом эттириши ҳамда Республика фан ва технология кенгашини ташкил этиш, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги фан докторларининг маошига 60%, фан номзодларининг иш ҳақларига 40% устама кўшилиши белгилаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳамма ислохотлар бу аввало, ўзбек халқининг манфаатлари учун” – дея таъкидлаб ўтдилар ва қабул қилинаётган қонуларнинг амалиётга татбиқи халққа етиб боришини таъминлашни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Учрашув сўнгиди Юртбошимиз ҳар бир олий ўқув юрти раҳбарияти ва илмий-педагогик жамоаси ўз устида тинимсиз ишлаши, ҳар бир олий таълим мусасасининг илмий салоҳиятини кучайтириб бориши кераклигини таъкидлаб, мутасадди ташкилотларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар бердилар.

Дарҳақиқат, илм ва маърифат – ягона нажот йўли, тараккий гарови ва юксаклик марраси. Шундай экан, бутун олийгоҳимиз аъзолари, айниқса, тенгдошларимга зиммамдаги ушбу жиддий масъулия, яъни Юртбошимизнинг қаҳриқларини сизга баралла етказишни истадим.

Кадрли талабалар, илм олишдан, ўз устингизда ишлашдан асло чарчаманг, ўрнингиздан ғайрат билан, шахд билан туринг ва юксаклик сари интилинг. Зеро, она халқимиз, Юртбошимиз сиздан юксак марраларни забт этишингизни кутяпти ва сиз буни албатта, удалайсиз. Бизни кутар нурли манзиллар!!!

**Шаҳноза РУСТАМАЛИЕВА,  
“Ижтимоий-маданий фаолият” таълим йўналиши  
3-босқич талабаси,  
Ислом Каримов стипендияси соҳибаси**

## 101-reys

O'zbek kinosida "Hamroh" filmi bilan tanilgan rejissor Akrom Shoxnazarov 2018-yilda "O'zbekkino" milliy agentligi buyurtmasiga binoan "101-reys" filmi suratga olishni boshladi. Mazkur filmda 2001-yil AQSHning Nyu-York shahrida sodir etilgan terrorchilik harakati oqibatida Shimoliy Amerika hududida qiyin vaziyatda qolgan – bortida 180 nafar yo'lovchi bo'lgan "O'zbekiston havo yo'llari" aviakompaniyasiga qarashli "Boing – 757" samolyotining "101-reys" ekipaji ko'rsatgan jasorat haqida hikoya qilinadi. Film titridagi "Yo yashab qol, yoki inson bo'lib qol!" iqtibosi qaysidir ma'noda asarning bosh g'oyasini o'zini ifoda etadi.

Bir narsani alohida ta'kidlash kerakki, mazkur film aviatsiya uchuvchilariga bag'ishlangan o'zbek kinosanoati tarixidagi ilk filmidir. Filmni tasvirga olish jarayonida ssenariy muallifi va postanovkachi rejissor Akrom Shoxnazarov katta kuch va g'ayrat bilan ish olib borganiga o'zim guvoh bo'ldim. "Bizning ijodiy guruhimiz yoshlardan iborat. Endigina oliygohni tamomlagan yoki hali ham oliygohda o'qiyotgan yoshlardan iborat ijodiy jamoamiz. Ularning ichida suratga olish jarayonida birinchi marta qatnashayotganlari ham bor. Menimcha, san'at va madaniyat oliygohida montaj rejissorlari kursi va grimyorlar kursini tashkil etish kerak,

deb o'ylayman, chunki hali oldinda o'zbekfilmni katta-katta maqsadlari bor, rejada qanchadan-qancha tarixiy filmlarimiz bor. Biz buncha mutaxassisni qayerdan topamiz? Rejissorning ham, filmning ham ellik foiz yutug'i – professional jamoani yig'a olishida" – deydi film rejissori.

"101-reys" filmi uchun esa Toshkent viloyatida maxsus joy tanlanib, katta dekoratsiya – "Boing-757" samolyoti va aeroport qurildi. Qariyb 2 yil davom etgan tasvirga olish jarayonlarida katta guruh o'zini yana bir bor ijodiy sinovdan o'tkazdi. Chet eldan grafika ustalari, aktyorlar jalb etildi.

200 dan ortiq aktyorlar jalb etilgan filmda ekipaj sardori rolda Hoshim Arslonov, shuningdek, iqtidorli aktyorlar Javohir Zokirov, Umid Iskandarov, Samiddin Lutfullayev, Lola Eltoyeva, Bahora Arslonova, Farhod Abdullayev, Nasrullo Nurovlar kabi aktyorlar ansambili filmni professional va muvaffaqiyatli chiqishiga o'z hissalarini qo'shdilar. Suratga olish ishlari joriy yilning iyun oylarida yakunlandi, hozirda montaj ishlari olib borilmoqda. Tez kunda yangi usul va ko'rinishdagi "101-reys" filmi tomoshabinlarga taqdim etiladi.

**Suhrob QODIROV,**  
"Kino san'ati tanqidi va tahlili"  
yo'nalishi, 1-bosqich talabasi

## КИТОБГА БЎЛГАН МЕХР



Буюк аллома К.Гольднинг "Яхши китоб кўтариб олган киши ҳеч қачон ёлғиз эмас", деб таъкидлаган эди. Китоблар бизга хузур бағишлайди, улар биз билан гаплашади, бизга беминнат маслаҳат беради ҳамда бизларни ижобий фикрлашга ундайди. Китобдан йироқлашган инсон шуларнинг баридан маҳрум бўлади. Китобга меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун, аввало, болага китоб танлашни, уни тушуниб ўқишни ўргатмоғимиз керак.

Инсоният маънавий камолотида китобнинг ўрни беқиёсдир. Бу барчага аён. Китоб яралибдики, унинг жозибаси билан яшамайдиган, унга қалби билан ошно бўлмаган қанчадан-қанча инсонлар бор. Ҳар қайси олим, ихтирочи барча ютуқларига, оламшумул тадқиқот ва янгиларига китоб орқали йўл топган.

Маълумки, китоблар киши онгини, иродасини, маънавиятини, хули атвори-ни, билим савиясини оширади. Хилма-хил меҳнат фаолиятини оширишга ёрдам беради. Ҳар бир инсон ҳар куни китоб ўқимоғи, унинг гўзал оламига шўнғимоғи, шунчаки ўқиб эмас, укмоғи даркор. Шундагина китоб бизга номаълум бўлган оламнинг синоатли ва айни пайтда мураккаб қирраларини очишга ўз хиссасини қўшади. Болалиқда ўқиган яхши ва мазмунли китоблар бутун умр эсда қолади ва улар болаларнинг ақлий ривожлантирига таъсир кўрсатади.

Китоб мўъжиза, китубхона эса қутлуғ маскандир. Бундай масканлар инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, қалбларни-қалбларга боғлайди, юракларда хикмат жавахирларни сочади. Китобларга бой бўлган кутубхона эшиклари доимо очик турган мактаб борки, унда энг зукко, энг билимдон ва доно болалар вояга етади. Хулоса қилиб айтганда, эзгу китоблар ҳамisha бизларни яхшиликка етаклайди.

**Мафтуна САЙИТКУЛОВА,**  
"Саҳна ва экран драматургияси" йўналиши,  
сиртки бўлим 1-босқич талабаси

## ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

В Государственном институте искусств и культуры Узбекистана продолжил свою работу по организации семинаров Центр Докторантуры ГИИКУз, который был создан по инициативе проректора по науке и инновациям Гузаль Халикуловой в результате деятельности проекта ERASMUS + «Повышение качества докторского образования в Узбекистане – UZDOC».

В конце мая и в начале июня 2019 года в Центре Докторскантуры Государственного института искусств и культуры Узбекистана состоялись очередные научные се-

3) важность взаимосвязи всех элементов диссертации, в особенности введения и заключения;

4) отличие некоторых терминов: методы исследования и методология диссертации, предмет и объект исследования, научная новизна и практическая значимость диссертационного исследования.

Кроме того, рассмотрены способы, возможности оформления цитат, информационного аппарата в диссертацию (особенности сносок, содержащих большое количество литературы, правила их оформления).



минары для докторантов всех курсов. Семинары были проведены доцентом кафедры «Педагогика и психологии» А.Ф. Кошелевой.

Тематика обоих семинаров была посвящена наиболее актуальным проблемам написания диссертаций в соответствии с новыми положениями и требованиями Высшей Аттестационной комиссии Республики Узбекистан.

Особое место в ходе семинара было отведено научной дискуссии, организованной по принципу вопроса – ответной беседы, что и придавало этому мероприятию актуальный, оживлённый и деятельный характер.

В ходе научной беседы были затронуты следующие проблемы:

- 1) особенности информативной насыщенности введения в диссертацию;
- 2) структура и содержание современных диссертационных исследований в соответствии с требованиями Высшей Аттестационной комиссии Республики Узбекистан;

Докторантами были заданы конкретные вопросы по содержанию первой, второй и третьей глав исследования. Они получили подробнейшие ответы по распределению теоретического и практического материалов в ходе диссертации.

Особый акцент А.Ф. Кошелева сделала на необходимости тесной взаимосвязи теоретических основ диссертации, которые, как правило, даются исследователем в первой и второй главах работы с практическими рекомендациями исследователя, формулируемыми в ходе написания первых двух глав и изложенными как выводы в третьей главе.

Мы надеемся, что проведение подобных мероприятий послужит активизации научной работы всех докторантов и повысит её результативность.

**Шахноза САБИРОВА,**  
докторант 2-го курса ГИИКУз

## #БИЛАСИЗМИ?

**Кимда икки хислат бўлса, уни одамлар яхши кўради:**

- сахийлик;
- ҳаммага яхшилик қилиши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни кўшнилари яхши кўради:**

- очик юзли бўлиши;
- муомалада сахий бўлиши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни дўстлари яхши кўради:**

- кўрган яхшилигини эслаб туриши;
- кўрган ёмонликларини эсдан чиқариб юбориши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни шогирдлари яхши кўради:**

- тушунтиришида бор кучини сарфлаши;
- уларга мулойимлик қилиши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни устозлари яхши кўради:**

- гапни тез тушуниши;
- эҳтиромини ўрнига қўйиши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни аёли яхши кўради:**

- муомалада лутфли бўлиши;
- аёлининг муаммоларини айтмас-са ҳам тушуниши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни бошиғи яхши кўради:**

- чиройли итоатда бўлиши;
- буюрилган ишларни кўнгилдаги-дек бажариши.

**Кимда икки хислат бўлса, уни Аллоҳ ва барча инсонлар яхши кўради:**

- барчага доим яхшиликни илмини;
- озор беришдан сақланиши.

@Mehrob.uz сайтидан олинди.

### Muassis:

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

### Bosh muharrir:

Nafisa RAIMQULOVA

### Tahrir hay'ati:

Go'zal XOLIQULOVA  
Hamdam ISMOILOV  
Antonino KOSHELEVA  
Rashid USNATOV  
Mas'ul kotib:

Alimurod TOJIYEV

### Muxbirlar klubi sardorlari:

Muharram BOZOROVA  
Shavkat DO'STMUHAMMAD

Tahririyat manzili: 100025 Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, 127 A uy.

Telefon: (0-371) 230-28-13.

www.dsmi.uz; nashriyot@dsmi.uz

Gazeta har o'ying oxirgi haftasida «NISO POLIGRAF» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Manzil: O'rtacha Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash'al mahallasi, Markaz-1.

Sahifalovchi:  
Dilmurod DO'STBEKOV

Gazeta Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasida № 02-00166 raqami bilan 2012-yil 19-dekabrda ro'yxatga olingan.

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo'limida tayyorlandi. O'Ichami – A3, hajmi 2 bosma taboq. Nuxsasi – 700 dona. Narxi kelishilgan narxda. Chop etishga 30.04.2019 yilda topshirildi.